



Ислом Нури

Агар ҳосил етилиши кўзга кўринганидан кейин, яъни, сотиш жоиз бўлгач сотилган бўлса, кейин бирон самовий офат етиб талафотга учраса – самовий офат деб инсонниг алоқаси йўқ бўлган шамол, жазирама, сувсизлик, ёмғир, дўл, чигиртка кабиларга айтилади – шу офатлар етиб, ҳосилни талафотга учратган бўлса, ушбу ҳосил сотилган-у, бироқ ҳали харидор унга эга бўлишга улгурмасидан талафотга учраган бўлса, харидор уни сотувчига қайтариб беради ва у учун тўлаган пулини қайтариб олади. Чунки, Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда айтилишича:

«مَنْ بَاعَ مَالًا فَوَجَدَ فِيهِ عَيْبًا فَلَمْ يَشَأْ أَنْ يَبْعَهُ بِمَا وَجَدَ فِيهِ فَهُوَ رِبَا»

«Набий соллаллоху алайҳи ва саллам офат етган ҳосилни кўйишга (яъни, байъини бекор қилишга) буюрдилар» (Муслим (1554) ривояти).

Ушбу ҳадис далолатига кўра, талафот етган ҳосил сотувчининг мулкидан саналади ва у ўша ҳосил учун харидор берган пулга ҳақли бўлмайди. Агар ҳосилнинг ҳаммаси талафотга учраган бўлса, харидорга ҳамма пулини қайтариб беради, агар бир қисми талафотга учраган бўлса, ўша қисмига тегишли пулни қайтариб беради.

Бу ҳолда байъ ҳосилнинг етилиши кўзга кўринганидан кейин бўлганми, олдин бўлганми, фарқсиздир. Чунки, ҳадис умумий келди. Ундан ташқари бошқа ҳадис ҳам борки:

«مَنْ بَاعَ مَالًا فَوَجَدَ فِيهِ عَيْبًا فَلَمْ يَشَأْ أَنْ يَبْعَهُ بِمَا وَجَدَ فِيهِ فَهُوَ رِبَا» :«مَنْ بَاعَ مَالًا فَوَجَدَ فِيهِ عَيْبًا فَلَمْ يَشَأْ أَنْ يَبْعَهُ بِمَا وَجَدَ فِيهِ فَهُوَ رِبَا»



Ислом Нури

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Биродаринга мева сотсангу унга офат етса, сен учун ундан бирон нарсани (ҳақни) олишинг ҳалол бўлмайди. Биродаринг молини нима эвазига ноҳақ оласан?!» (Бухорий (2197) ва Муслим (1555) Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар).

Агар оз миқдорда талафот етган бўлса, у харидорнинг зиммасига бўлади, сотувчининг масъулиятидан бўлмайди. Чунки, бу одатда бўлиб турадиган ҳолат саналади ва уни офат деб номланмайди, ундан сақланишнинг имкони ҳам йўқ бўлади. Масалан, қушлар еб кетиши, ерга тўкилиб кетиши ва ҳоказолар. Баъзи уламолар бунини учдан бирдан камига чеклаганлар. Тўғрироғи, бу билан чекланмайди, балки бу урфга кўра билинади. Чунки, чеклаш далилга муҳтождир.

Уламолар раҳимаҳумуллоҳ офат етган ҳосилни сотувчининг зиммасига қўйишларига сабаб – дарахт шохиди турғизиб сотилган ҳосилнинг қабзи тўла бўлмаган қабз (қабул қилиш)дир ва харидор гўёки уни ҳали қабз қилмаган бўлади.

Бу айтилган ҳукмлар самовий офат етиши туфайли талафотга учраган ҳосил ҳақида эди.

Аммо, энди одамзотнинг феъли туфайли, масалан, ёнғин сабабли талафотга учраган бўлса, бундай ҳолда харидор ихтиёрли бўлади. Яъни, хоҳласа, байъни бузиб, сотувчидан ўзи тўлаган пулни қайтариб беришини талаб қилади, сотувчи эса талафот етказган шахсдан талафот зарарини тўлашини талаб қилади. Ёки харидор байъни бузмайди ва талафот етказган шахсдан етказган талафоти зарарини тўлашини талаб қилади.

